

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУҚАХХОРОВ САРВАРБЕК АБДУСАМАТ ЎҒЛИ**

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА  
ҲИМОЯ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли**

Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини

таъминлаш..... 3

**Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат углы**

Обеспечение права на защиту на стадии досудебного производства ..... 25

**Abdukakhkhorov Sarvarbek Abdusamat ugli**

Ensuring the right of defense at the pre-trial stage ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУҚАХХОРОВ САРВАРБЕК АБДУСАМАТ ЎҒЛИ**

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА  
ҲИМОЯ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Үи601 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://akadmvd.uz/uz/ads/elon1911>) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муродов Бахтиёржон Баходирович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ражабов Бахтиёр Алмахматович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Алиев Шухрат Ҳасанович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат юридик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үи.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 14 март куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1281-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2023 йил 28 февраль куни таркатилди.

(2023 йил 28 февраль 5-рақамли реестр баённомаси).



**А. С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Дж. Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлар доктори,  
доцент

**М. З. Зиёдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги Илмий семинар раиси,  
юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда жиноят процесси иштирокчиларининг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик, жиноят-процессуал иш юритишни тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишуви асосида амалга ошириш, жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида жабр кўрган шахсларга етказилган зарарларни қоплаш механизмини такомиллаштириш, айбсиз деб топилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини реабилитация қилиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида адвокатларнинг фаолиятини самарали ташкил этилишига тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омилларни аниқлаш ва бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда жиноят-процессуал фаолиятда шахс амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири яқунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоя ҳуқуқига эга бўлиш, ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол қўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан жиноят қонунчилигида белгиланган рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, ишни судга қадар юритиш босқичида тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишувини таъминлаш мақсадида “Хабеас корпус” институтининг қўллаш доирасини янада кенгайтириш, жиноят ишини юритиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бепул юридик ёрдам кўрсатиш борасида очиқлик ва шаффофликка эришишнинг илмий асосланган ечимларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жиноят-процессуал муносабатларда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, статистик маълумотлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларининг таҳлили ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи тўлиқ таъминланишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2021 йил The World Justice Project (WJP) халқаро ташкилоти жиноят процессида гумон қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланганлигига доир тузган рейтингда 139 та давлат орасида Ўзбекистон 83-ўринни эгаллагани<sup>1</sup>, инсон ҳуқуқлари бўйича Human Rights Watch бутунжаҳон ташкилотининг Ўзбекистонда гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қийноққа солиш ҳолатлари сақланиб қолаётганлигига

---

<sup>1</sup> К. Т. Мавлонов. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т., 2021 й. – Б.17.

доир маърузалари<sup>2</sup>, сўнгги 6 йилда суриштирув ва дастлабки терговда ишга айбланувчи сифатида жалб этилган жами 4712 (2017 йилда 263, 2018 йилда 867, 2019 йилда 859, 2020 йилда 781, 2021 йилда 932, 2022 йилда 1010) нафар<sup>3</sup> шахснинг судлар томонидан оқланганлиги ишни судга қадар юритиш босқичида шахс ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эканлигини яққол кўрсатади. Бу эса ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга доир жинойт-процессуал қонун нормаларини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, соҳага замонавий ахборот-технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек давлат ҳисобидан адвокатларни жалб қилиш механизмини халқаро стандартлар асосида қайта ташкил этишни заруриятга айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 декабрдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сон, 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон, 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон, 2022 йилнинг 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2018 йил 14 майдаги “Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон, 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сон қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари С. Р. Базаров, Д. Б. Базарова, М. Дж. Ботаев, З. Ф. Иноғомжонова, К. Ишнйезов, К. Т. Мавлонов, Д. М. Миразов, М. Э. Муминов, Б. Б. Муродов, Ф. М. Мухитдинов, Э. Х. Нарбутаев, Б. А. Ражабов, А. Х. Раҳманкулов, Б. А. Саидов, Б. Саломов, Г. З. Тўлаганова, Д. М. Чориева, М. Р. Чутбаев, А. О. Шарафутдиновлар томонидан тадқиқ этилган.

---

<sup>2</sup> Суд ишларини юритишда қийноқ // URL: <https://www.hrw.org/ru/world-report/2021/country-chapters/377234#b7cb52> (мурожаат вақти: 16.01.2023).

<sup>3</sup> Жинойт ишлари бўйича судларнинг 2018–2021 йиллар ҳамда 2022 йилнинг 9 ойлик фаолият яқунларининг асосий кўрсаткичлари // URL: <https://stat.sud.uz/> (мурожаат вақти: 17.01.2023); Судлар томонидан 2022 йилда кўриб чиқилган жинойт ишлари юзасидан ахборот// URL: <https://sud.uz/1801-4/> (мурожаат вақти: 19.02.2023).

МДХ мамлакатларда ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш масалалари С. А. Адилов, В. А. Азаров, А. Н. Ахпанов, И. А. Бахромов, М. Ж. Битокова, А. Ю. Бусигин, П. А. Виноградова, О. А. Глянько, Е. В. Горбачева, Е. П. Гришина, А. В. Иванов, М. В. Игнатъева, К. Б. Калиновский, Д. К. Канафин, Е. А. Карякин, З. И. Корякина, И. С. Краскова, О. Ю. Кузнецов, А. И. Макаркин, В. Ю. Мельников, И. Е. Милова, Е. В. Митрофанова, И. А. Пикалов, Б. В. Пимонов, А. С. Плетень, А. А. Прокопова, Г. Г. Скребец, Б. М. Смоленский, Н. Г. Стойко, Л. В. Столбина, К. П. Федякин, А. С. Шагинян, Д. В. Шарапова, Ф. Г. Шахкелдов, Т. А. Шмарева, Р. Н. Юрченко, Д. М. Ямбаева томонидан, хорижлик олимлардан Adam Jackson, Anna Pivatu, Tim J Wilson, Chrisje Brants ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан “ҳимоя”, “ҳимоячи” ва “ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш” тушунчалари, ҳимоя функцияси мазмун-моҳияти, суриштирувчи, терговчи томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчига уларнинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириб бериш ва таъминлаш масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, мамлакатимизда алоҳида тоифадаги шахслар, мисол учун ўзини-ўзи мустақил ҳимоя қила олмайдиган ожиз аҳволдаги процесс иштирокчиларини ҳимоячи билан таъминлаш, жиноят иши юритилаётган тилни етарли даражада билмайдиган шахсларга ёрдам кўрсатиш, терговга қадар текширув даврида ушланган шахснинг ҳуқуқларини таъминлашнинг ягона мезонларини яратиш, жиноят қонунчилигида белгиланган рағбатлантирувчи нормаларни жиноят-процессуал муносабатларда қўллаш механизмларига оид қоидаларни ишлаб чиқиш, ишни судга қадар юритиш босқичида сифатсиз юридик ёрдам кўрсатиш омилларини аниқлаш ҳамда давлат ҳисобидан адвокатларни ўринли жалб қилишга доир масалалар чуқур таҳлил қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2021 – 2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“ҳимоя”, “ҳимоячи”, “ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” тушунчалари моҳиятини таҳлил қилиш;

жиноят процессида ҳимоя институтининг вужудга келиш ҳамда ривожланиш босқичларини ўрганиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

---

<sup>4</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини тушунтириб беришда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

ишни судга қадар юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга тўсқинлик қилувчи қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ишни судга қадар юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш бўйича вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** терговга қадар текширув жараёнида ушлаб турилган шахснинг, суриштирув ва дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий изланишни амалга оширишда билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, кузатиш, тизимли таҳлил, статистик усуллар, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят иши материалларини таҳлилий ўрганиш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишларда, суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги асосланган;

шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда ҳамда айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича ҳимоячидан воз кечишга йўл қўйилмаслиги лозимлиги асослаб берилган;

ҳимоячининг суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда иштирок этиш ҳуқуқини қонунчиликка киритиш зарурати асосланган;

тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талаблари асосида олиниб, жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда гумон қилинувчи ёки айбланувчида жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берсагина, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкинлиги асосланган берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

терговга қадар текширув босқичида ушланган шахснинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, ушбу соҳада ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган айрим мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида ушлаб туриш баённомасини расмийлаштирган мансабдор шахс зиммасига ушланган шахснинг ҳуқуқларини тушунтириш ва уларни таъминлаб бериш мажбуриятини юклатилиши лозимлиги асослантирилган;

терговга қадар текширув босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш, бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахсга, унинг ҳимоячисига, жабрланган шахсга ва унинг вакилига ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш зарурати асослантирилган;

суд-тергов амалиётида жиноят ишини кўриб чиқишнинг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, жабрланувчига етказилган мулкӣй ва маънавий зарарларни қисқа муддатларда қолаш, кўп куч ва вақтни сарф этмаган ҳолда содир этилган жиноятларни тез ва тўлиқ фош этиш мақсадида ишни судга қадар юритиш босқичида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 55, 57<sup>1</sup>, 57<sup>2</sup> ва 66<sup>1</sup>-моддаларининг қўллаш асосларини гумон қилинувчи ва айбланувчига батафсил тушунтириш ва мазкур жараёни алоҳида баённомада расмийлаштириш тартибини жорий этиш зарурати асослантирилган;

давлат ҳисобидан иштирок этадиган адвокатлар томонидан сифатли юридик хизмат кўрсатилишига эришиш, иш юритишнинг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, илғор хорижий давлатлар тажрибасини имплементация қилиш мақсадида шахс ушлангандан бошлаб, Адвокатлар палатаси томонидан тузилган “Адвокатлар рўйхати” билан танишиш зарурати асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқӣй ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий давлатларнинг мазкур мавзуга оид қонунчилик амалиётидаги тажрибаси, социологик тадқиқотлар (анкета сўрови, интервью олиш), статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(Омбудсман)нинг ҳисоботи, Олий суд, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан фойдаланилган, шунингдек 250 нафар судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва адвокатлар иштирокида ишни судга қадар юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш истиқболларига оид сўров таҳлиллари, терговга қадар текширув ҳамда 100 га яқин жиноят иши материаллари, суд ҳукмлари ўрганилиб, натижалари умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек “Терговга қадар текширув”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқ” ва “Дастлабки тергов” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишни судга қадар юритиш босқичида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш ва ушбу босқичда ҳимоячи фаолияти тартибини белгилаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишларда, суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича ҳимоячи иштирок этиши шартлигини белгилашга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунининг 2-модда 1-қисми 5-бандининг 2,3,4,5-хатбошиларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 октябрдаги 06/1-11/1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жиноят-процессуал фаолиятда иш юритишни тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишуви асосида амалга оширилишига хизмат қилган;

шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда ҳамда айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича ҳимоячидан воз кечишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунининг 2-модда 1-қисми 6-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 октябрдаги 06/1-11/1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилган;

ҳимоячининг суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунининг 2-модда 1-қисми 7-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 октябрдаги 06/1-11/1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф адвокатлар томонидан ҳимояси остидаги шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига ҳамда жиноят-процессуал муносабатларда қонунийликни янада мустаҳкамланишига хизмат қилган;

тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талаблари асосида олиниб, жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда гумон қилинувчи ёки айбланувчида жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берсагина, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкинлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунининг 2-модда 1-қисми 11-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 октябрдаги 06/1-11/1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши ва уларнинг натижаларини расмийлаштириш тартиби бўйича аниқ талаблар белгиланишига, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида тўпланган далилларнинг мақбуллиги таъминланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари жами 5 та (хусусан, 2 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги) илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, етти та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Ишни судга қадар юритиш босқичида химоя ҳуқуқини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида “химоя”, “химоячи” ва “химояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” тушунчалари, шунингдек жиноят процессида химоя институтининг юзага келиш тарихи ва ривожланиши, терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов босқичида химояланиш ҳуқуқини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“Жиноят-процессуал муносабатларда химоя ҳуқуқини таъминлашга доир айрим тушунчалар таҳлили”* деб номланиб, унда диссертант “химоя”, “химоячи”, “химояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” тушунчаларини ўзаро узвийликда илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этган. Хусусан, С. Р. Базаров, Т. Г. Бородинова, М. Дж. Ботаев, Р. Р. Валюлик, Э. В. Горбачева, И. В. Губко, В. И. Даль, М. Э. Муминов, А. П. Рыжаков, Б. А. Саидов, Г. З. Тўлаганова, Д. М. Чориева ва Д. В. Шарапова сингари олимларнинг фикрлари, хорижий давлатларнинг (Украина Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Эстония Республикаси, Қозоғистон Республикаси) қонунчилиги ҳамда суд-тергов амалиёти ходимлари ва химоячилар ўртасида ўтказилган анкета сўровномалари натижалари атрофлича таҳлил қилиниб, амалдаги жиноят-процессуал қонунда “химояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” ҳамда “химоячи” тушунчаларининг мазмуни тўлиқ ёритиб берилмаганлиги асослантилган. Тадқиқотчининг фикрича, “химояланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар” деганда ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ химоячи олиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларни тушуниш лозим. Шу билан бирга, “химоя ҳуқуқини таъминлаб бериш мажбурияти юклатилган шахслар” доирасига терговга қадар текширув органи мансабдор шахсини ҳам қўшиш талаб этилади. Шунингдек, тадқиқотчи амалдаги ЖПКнинг 578-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахсни жиноят-процессуал муносабатларда химояга муҳтож бўлган шахс сифатида эътироф этиб, уни ЖПКнинг 49-моддасида акс эттириш лозимлигини таъкидлаётган.

Диссертантнинг фикрича, терговга қадар текширув даврида ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги, мазкур босқичда шахсларнинг ҳимояланишга доир ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол тарзда бузилишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи бу борада кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб, жиноят-процессига ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс номли янги иштирокчини киритиш ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, муаммога ечим бўлиши мумкинлиги ҳақида хулосага келади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *“Жиноят процессида ҳимоя институтининг юзага келиш тарихи ва ривожланиши”* деб номланиб, унда муаллиф томонидан ҳимоя институти вужудга келишининг ҳаётий зарурати натижасида Қадимги Шарқда оилавий вакилликнинг, Қадимги Рим империяси ва Қадимги Юнонистон сингари антик давр давлатларида адвокатуранинг вужудга келиши ҳамда жамиятнинг барча табақаларини тенг ҳимоя қилиши орқали халқ орасида обрў-эътиборга эришиши, ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши тадқиқ этилган.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, улар томонидан ўтказилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар барча мустамлака давлатларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Шунинг учун ҳам тадқиқотда Ўзбекистоннинг 1865 йилдан кейинги ҳимоя институтининг ривожланиш босқичлари Россия қонунчилиги билан узвийликда ўрганиб чиқилган.

Шунингдек, РСФСРнинг 1922 йилдаги ЖПК, Ўзбекистон ССРнинг 1926, 1929 ва 1959 йиллардаги ЖПКларини ўзаро ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКга қиёслаш асосида, шунингдек *“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт”*нинг 9-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19, 25, 44-моддалари ҳамда Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия ва Украина Республикаси тажрибаларига таяниб, амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи *“Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий таҳлили”* деб номланиб, унда ҳимоячи, қонуний вакил томонидан шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асосида ЖПКнинг бир қанча қоидаларини амалда қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги асослаб берилган. Хусусан, амалдаги ЖПКнинг 53-моддасига мувофиқ ҳимоячи гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча усулларни қўллаши лозимлиги белгиланган бўлсада, қонунчилигимизда *“қонунда назарда тутилган усуллар”* жумласига аниқ таъриф берилмаган.

Мазкур масала юзасидан билдирилган олимларнинг қарашлари ва суд-тергов амалиёти ходимларининг фикрларига кўра *“қонунда назарда тутилган усуллар ва воситалар”* деганда ҳимоячига берилган барча имкониятлар, шу жумладан ЖПКнинг 53-моддасида белгиланган ҳимоячининг ҳуқуқлари ҳам тушунилади. Агар ҳимоячининг ўз вазифаларини бажариш воситаси бўлган ҳаракатларига

нисбатан “ҳуқуқ” сўзи қўлланилган бўлса, нима учун қонунчилигимизда ушбу ҳаракатни бажариш ихтиёрий эмас, балки мажбурий эканлигининг таъкидланганлиги тадқиқотчи томонидан танқид қилинган. Ушбу масала бўйича ўзбек ва хорижий давлат олимларининг, жумладан: А. Мадвалиев, Б. Н. Рашидов, Б. А. Саидов, У. Т. Таджиханов, М. Р. Чутбаев сингари олимларнинг фикрлари, шунингдек хорижий давлатларнинг (Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, Тожикистон Республикаси, Украина Республикаси, Россия Федерацияси, Қирғизистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси) юқорида ўрганилган нормани қўллашга доир тажрибалари таҳлил қилиниб, амалиёт ходимлари қарашлари сўровнома орқали ўрганилиб, ягона илмий ечим ишлаб чиқилган.

1996 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонунининг 9<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилиши мумкин. Лекин ЖПКда адвокат нафақат битим асосида, балки ўрнатилган тартибда тайинланиш асосида ҳам ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкинлигини, тадқиқотчи томонидан қонун нормалари ўртасидаги коллизия ҳолат сифатида баҳо берилган. Мазкур омилни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгартишлар киритиш лозимлиги асослантилган.

Маълумки, қонуний вакилнинг энг асосий вазифаси вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Лекин, ЖПКнинг 61-моддаси учинчи қисмига мувофиқ қонуний вакилни гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкинлиги, тадқиқотчининг назарида “Судда ишларни юритишда тортишув” принципига ҳамда ЖПКнинг бошқа нормаларига зиддир. Зеро, амалдаги ЖПКнинг 25-моддасида иш судда кўриляётганда айбланиш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмаслиги, ЖПКнинг 61-моддаси биринчи қисмида қонуний вакил ўзи вакиллик қилаётган шахс ЖПКга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Адвокатлар ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 92 фоизи қонуний вакилни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши жиноят-процессуал иш юритишни тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишуви асосида амалга оширилишига тўсқинлик қилишини қайд этган. Диссертацияда В. В. Бурков, И. С. Дикарев, Н. Ю. Литвинцева, И. В. Малыхин, В. Панкратов, А. А. Рытьков, Л. В. Столбина, К. Р. Федякин, А. В. Чурсин каби олимлар фикрлари ҳамда хорижий давлатларнинг (Россия Федерацияси, Украина Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси) мазкур соҳадаги тажрибалари таҳлил қилиниб, қонуний вакил гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисида хулосага келинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш амалиёти”** деб номланиб, унда тадқиқотчи томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гумон қилинувчи ва айбланувчига ҳуқуқларини тушунтириб бериш ҳамда уларни таъминлаш фаолиятига доир масалалар чуқур таҳлил қилинади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *“Гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини тушунтириб бериш хусусиятлари”* деб номланиб, мазкур параграфда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар (ЖК 55-модда), айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш (57<sup>1</sup>-модда), айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш (57<sup>2</sup>-модда) нормаларининг амалиётда янада кенгроқ қўлланилиши ҳамда ҳимоя ҳуқуқининг самарали таъминланишига хизмат қилувчи бир қанча масалалар ҳақида фикр юритилган.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йил давомида биргина ИИОлари томонидан рўйхатга олинган жаъми мурожаатлардан 44 фоизи бўйича жиноят ишини қўзғатиш рад этилган. Эътиборлиси, рад этилган ишларнинг салкам 6 фоизидан ЖПКнинг 84-моддасига асосан қарор қабул қилинган. Маълумки, агар ЖПКнинг 84-моддаси бўйича жиноят ишини қўзғатиш рад этилса, 83-моддadan фарқли равишда шахснинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилмайди, шунингдек келгусида унинг турли хил ҳуқуқлари чекланади. Ўрганишлар давомида, жиноят содир этишда гумонланиб ушланган шахснинг қилмишида ЖПКнинг 83-моддасига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш учун асослар бўлсада, унга нисбатан ЖПКнинг 84-моддаси бўйича жиноят ишини қўзғатиш рад этилганлиги аниқланган. Тадқиқотчи ушбу масалада изланишлар олиб бориб, гумон қилинувчи ва унинг ҳимоячисига жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳамда уни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтириш, шунингдек терговга қадар текширув ҳужжатлари билан ушбу босқич якунлангандан сўнг таништириш, юқоридаги салбий ҳолатни кескин камайтиришга олиб келишини асослаб берган.

2021 йил 18 февралда амалдаги ЖПКга киритилган *“Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув”* номли янги институт рағбатлантирувчи норма бўлса-да, суд-тергов амалиётида деярли қўлланилмаётганлиги диссертант томонидан салбий ҳолат сифатида баҳоланган. Ваҳоланки, хорижий давлатларда, хусусан АҚШда юритувда бўлган ишларнинг 90 фоизидан, Германияда эса 70 фоизидан ортиғи тарафларнинг келишуви асосида ўз ечимини топмоқда. Бу борада тадқиқот олиб борган А. Д. Алёшина, А. Л. Асланян, К. В. Беляева, В. В. Булатова, В. И. Вернадского, А. П. Макаров, Б. А. Саидов ва бошқаларнинг илмий қарашлари атрофлича таҳлил қилиниб, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг айбига иқрорлик борасидаги билим доирасини ошириш ҳамда гумон қилинувчига жиноят ишининг дастлабки давридаёқ ушбу институт мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали юқоридаги муаммони ечиш мумкинлиги илмий асослаб берилган.

Суд-тергов амалиёти таҳлили ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича айрим ҳолатларда шахс ҳуқуқларининг етарли даражада таъминланмаётганлигини кўрсатди. Жумладан, ҳукм чиқариш вақтида шахснинг қилмиши

ЖК 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларидан бирига қайта малакаланганида, судлар томонидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг судланувчи билан ярашиш истаги бор ёки йўқлигини аниқлаш учун суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқариш тартиби амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида ўз ифодасини топмаган. Бу эса амалда ярашиш истагида бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари чекланишига, хусусан етказилган зарарларни тез ва тўлиқ қопланишига, судланган шахслар сонининг кўпайишига, шунингдек жиноят-процессуал муносабатларда асоссиз равишда рағбатлантирувчи нормаларнинг қўлланилмаслигига сабаб бўлмоқда. Диссертант мазкур масалада С. Р. Базаров, Ғ. К. Ботиров, З. Ф. Иноғомжонова, Б. Б. Муродов, Ф. М. Мухитдинов, Г. З. Тўлаганова, С. М. Саҳаддинов ва Д. Р. Курбоновларнинг фикрлари ҳамда айрим хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиб, амалдаги ЖПКга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини асослаб берган.

Иккинчи бобнинг *“Гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширилиши ҳолати”* деб номланган иккинчи параграфида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гумон қилинувчи ва айбланувчини малакали ҳамда бепул юридик ёрдам билан таъминлаш, жиноят-процессига таржимонни жалб этиш фаолияти, шунингдек мазкур соҳада мавжуд бўлган бошқа муаммоли ҳолатлар таҳлил қилинган.

Жиноят-процессуал қонунчиликда ушланган шахснинг ҳуқуқлари айнан қайси мансабдор шахс томонидан тушунтирилиши белгиланган бўлса-да, лекин мазкур ҳуқуқлар ким томонидан таъминланиши аниқ тартибга солинмаган. Жумладан, амалдаги ЖПКда айнан қайси мансабдор шахс ушланган шахсга яқин қариндошларига телефон қилиш имкониятини яратиб бериши, телефон сўзлашувларидан фойдаланганлиги тўғрисида баённома тузиши, ушланган шахснинг ҳимоячи билан холи учрашишини ташкил этиши, шунингдек қайси телефон апаратидан ва айнан кимга кўнғироқ қилиб, нималарни айтиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласида айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Диссертацияда санаб ўтилган қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича асослантирган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, тадқиқотчи томонидан жиноят ишини юритиш жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчининг малакали юридик ёрдам олишга доир ҳуқуқининг тўлиқ таъминланмаётганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг камчилиги сифатида кўрсатилган. Мазкур ҳолатга тайинлов тартибида иштирок этадиган адвокатларни танлаш маълум вазиятларда суриштирувчи, терговчи, прокурор хоҳишига боғлиқ бўлиб қолаётганлиги асосий сабаблардан бири сифатида кўрсатилган. Бу борада тадқиқот олиб борган С. Р. Базаров, К. Т. Мавлонов, Г. З. Тўлаганова, У. Н. Калачева, Д. М. Чориева ва Т. А. Шмарева каби олимларнинг фикрлари, хорижий давлатлар (Австрия Республикаси, Грузия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерацияси) тажрибалари таҳлил қилиниб, гумон қилинувчи ва айбланувчининг давлат томонидан тайинланадиган адвокатларни ўзи кўрсатиш имкониятини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган.

ЖПКнинг 51-моддаси талабларига кўра, “айбига иқдорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт эканлиги” белгиланган бўлса-да, айнан қайси вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги қонунчиликда аниқ тартибга солинмаган. Бу эса ўз навбатида қонун нормаларини турли хил қўлланилишига ва ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур омилларни инобатга олиб, хорижий давлатларнинг (Буюк Британия, Франция Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Украина Республикаси) мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида О. А. Азизова, А. Я. Вышинского, Д. А. Долгушин, А. В. Закомолдин, К. Б. Калиновский, В. Л. Кудрявцевым, Б. Б. Муродов, Б. А. Саидов, А. В. Смирнов ва бошқа олимларнинг илмий қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда тадқиқотчи томонидан қонундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шахснинг жиноят иши юритилаётган тил бўйича қай даражада саводхонликка эга бўлиши лозимлиги борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Натижада мазкур масала суриштирувчи ва терговчилар орасида турли хил талқинга сабаб бўлмоқда. Мисол учун, “Тилни билмаслик” деганда нима тушунилиши борасида амалиёт ходимлари ичида сўровнома ўтказилганда, уларнинг 29 фоизи мазкур тилда умуман гапира олмасликни, 23 фоизи гапиришга қийналишни, шунингдек мазкур тилда ёзиш ва ўқишни билмасликни, 48 фоизи юқоридаги ҳар икки жавобларда кўрсатилган ҳолатни тушунишини билдирган. Тадқиқотчи, бугунги кунда гумон қилинувчи ва айбланувчининг тилни билиш-билмаслик масаласи лингвистика соҳасида етарли даражада билимга ва тегишли маълумотга эга бўлмаган терговчилар томонидан белгиланишини шахснинг ҳимоя ҳуқуқининг бузилишига олиб келувчи ҳолат сифатида баҳолаб, “тилни билмаслик” деганда нимани тушуниш лозимлиги масаласига ўзининг муносабатини билдирган.

Муаллиф жиноят иши юритилаётган тил борасидаги таҳлилларни давом эттириб, амалдаги ЖПКнинг 51-моддасида фақатгина судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги қонундаги эътибор қаратган. Ушбу норма талабига мувофиқ тергов органлари иш юритилаётган тилни етарли даражада билмайдиган шахсларнинг иши бўйича тегишли процессуал ва тергов ҳаракатларини ҳимоячининг иштирокисиз ўтказиши мумкин. Бу эса келгусида иш юритилаётган тилни етарли даражада билмайдиган гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан турли хил эътирозлар келиб чиқишига, терговда тўпланган далиллар суд томонидан номақбул деб топилишига, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқининг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Муаллиф ушбу масалада О. И. Александрова, И. И. Бунова, Т. Ю. Вилковой, Е. П. Гришина, Т. В. Жеребило, М. В. Зяблина, Н. Ю. Литвинцева, Б. В. Пимонов, Г. П. Саркисянц, Л. Б. Филоновым, А. В. Чуркин сингари олимларнинг фикрлари, хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси) тажрибаси ҳамда юритувда бўлган икки юздан ортиқ жиноят иши материалларини ҳар

томонлама таҳлил қилиб, жиноят-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини асослаб беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш”** деб номланиб, унда жиноят-процессуал иш юритишни тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишуви асосида амалга ошириш, хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари ва илғор тажрибаси асосида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми ва манбаини, шунингдек ушбу институтни янада такомиллаштириш орқали жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг бажарилиш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи *“Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга доир халқаро тажрибалар”* деб номланиб, унда ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ айрим хорижий давлатларнинг илғор ютуқларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласи илгари сурилган.

Тадқиқотчи Россия Федерацияси, Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Украина Республикаси, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси сингари МДҲ давлатлари, шунингдек Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Франция Республикаси, Словения Республикаси ва Эстония Республикаси каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ қоидаларини чуқур таҳлил қилиб, мазкур давлатларнинг илғор тажрибаси асосида миллий қонунчилигимизда ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ институтларни янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида хулосага келган.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади. Лекин, эътиборли томони шундаки, қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома, шунингдек унга илова қилинган материаллар билан суд мажлиси иштирокчиларини таништириш назарда тутилмаган. Фақатгина, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан, башарти улар бу ҳақда мурожаат этишган тақдирда, прокурор томонидан суд мажлиси бошлангунга қадар таништирилишлари лозимлиги белгиланган. Амалдаги ЖПКга мувофиқ илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида саккиз соат олдин тақдим этилиши лозим. Бу эса башарти илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан танишиш ҳақида мурожаат келиб тушган тақдирда ҳам прокурорда уларни таништириш учун имконият (вақт) бўлмайди. Бу эса ўз навбатида қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг қўлланилишида ҳимоячиларни ўзининг ҳимоя позициясини етарли даражада намоён этиш имкониятидан маҳрум қилмоқда. Диссертация доирасида, мазкур масала юзасидан А. Антонов, С. Р. Базаров, С. Н. Криворотов, Г. З. Тўлаганова, И. Я. Фойницкий, Д. М. Чориева ва С. А. Яковлева сингари

олимларнинг қарашлари, тергов бўлимлари юритувидаги жиноят иши материаллари ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ҳар томонлама таҳлил қилиниб, муаммони бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ЖПКнинг 230-моддасида ушлаб турилган шахсга қариндошлари билан учрашиш учун терговчи ёки суриштирувчининг розилиги талаб этилиши белгиланган. Тадқиқотчининг фикрича, қонун чиқарувчи томонидан мазкур нормада шахснинг ёши инобатга олинмаганлиги тушунарсиз ҳолатдир. Сабаби, суд-тергов амалиётининг таҳлили, ушлаб турилган вояга етмаган шахсни унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши, унинг руҳиятида салбий ўзгаришлар юз беришига, давлат органларига нисбатан нафратланишига, кўрсатув бериш ва тергов органлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортишига олиб келаётганлигини кўрсатди. Тадқиқот давомида вояга етмаган гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва жиноят ишига педагог ёки психолог сифатида жалб этилган мутахассислар билан ўтказилган суҳбатлар ҳамда олимларнинг фикрлари ва хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил этиш орқали, диссертант қонуний вакилга ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган ёхуд уй қамоғида бўлган вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатсиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашиш ҳуқуқини бериш таклифини илгари суради.

Жиноят-процессуал муносабатларда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2018 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сонли Қонуниги мувофиқ амалдаги ЖПКнинг 22-моддасига “Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деган қўшимча киритилди. Лекин жиноят-процессуал муносабатларда мазкур нормани қўллаш механизми белгиланмаганлиги сабабли исботлаш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан рухсат берилмаган усуллардан фойдаланиш эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш учун тадқиқотчи томонидан амалдаги ЖПКда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ўзига нисбатан етказилган тан жароҳати тўғрисидаги мурожаати мажбурий тартибда иш материалларига қўшиб қўйилиши ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов органи томонидан тўрт соатдан кечиктирмай уларга нисбатан суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа турдаги экспертиза ўтказиш чоралари кўриши шарт эканлигини қайд этиш зарурати асослаб берилган.

